Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 2 март, № 43 (7273) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪРИФИЙ СОҲАЛАРДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ УФҚЛАРИНИ ОЧАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 28 февраль – 1 март кунлари Наманган вилоятида бўлди.

Баҳорнинг илк кунини наманганликлар катта қувонч ва эзгу орзу-умидлар билан кутиб олди. Ана шундай қутлуғ кунларда давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифи ёшу қарини янада руҳлантириб юборди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳрида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтган йиғилишда вилоят фаоллари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, нуронийлар, ёш тадбиркорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари вилоятда ўтган йили амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталди, барча соҳада эришилган натижалар таҳлил қилиниб, янги вазифалар белгилаб берилди.

Ўтган йили қандай натижаларга эришдик, одамлар ҳаётида нималар ўзгарди, деган савол ҳаммамизни қийнаши керак. Бу саволларга жавоб топиш учун ҳар куни изланишимиз, замон талабларини ўрганиб, илм, ақл билан меҳнат қилишимиз зарур. Шунда иқтисодиётимиз рақобатбардош бўлади. Бу нима дегани? Чет элда бозор топиш, замонга муносиб бўлиш, дегани. Қачон муносиб бўламиз? Илғор технология бўлса, уларни ишлата оладиган ёшларимиз сафи кенгайса, сифатли маҳсулот чиқара олсак, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда ўтган йили вилоятда умумий қиймати 1,8 триллион сўм бўлган 577 ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилгани, инвестициялар ҳажми 1,7 баробар ошгани қайд этилди.

Шу билан бирга, Наманган вилоятини ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва резервлар тўлиқ ишга солинмаяпти. Ўтган йили ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши республика кўрсаткичидан 2 баробар паст бўлгани, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайгани танқид қилинди.

Наманган вилоятини комплекс ривожлантириш учун 2,8 миллиард долларлик лойиҳаларни назарда тутадиган дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, вилоятда 2019-2020 йилларда 1 минг 400 дан ортиқ инвестиция лойиҳалари амалга оширилади, 1,1 миллиард долларлик хорижий инвестиция жалб қилинади. Бунинг самарасида 39 мингта доимий иш ўрни яратилади.

Наманган халқи азалдан уддабурон тадбиркорлиги билан ажралиб туради. Кейинги йилларда ёш тадбиркорлар креатив ғоялари билан янада танилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, вилоятда "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш учун 1 триллион сўм ажратилишини маълум қилди. Бу маблағлар ҳисобига вилоятда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг янгича тизими жорий этилади.

Вилоят туманлари марказини обод қилиш мақсадида ҳар бир туманга 20 — 25 миллиард сўмдан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига киритилган қишлоқ ва маҳаллаларга қўшимча равишда 2 миллиард сўмдан ажратилиши қайд этилди.

Йиғилишда Президентимиз ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ёш авлод маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида спорт, санъат, китобхонликни оммалаштириш, компьютер технологияларига қизиқтириш, бунинг учун жойларда зарур шароитлар яратиш, таълим сифатини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Президентимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга оид қарорлари натижасида жойларда замонавий тиббий муассасалар ишга туширилмоқда. Наманган шаҳридаги "ANAMED" хусусий диагностика маркази ана шундай субъектлардан бири.

Давлатимиз раҳбари ташриф чоғида ушбу диагностика маркази фаолияти билан танишди.

Нейрожарроҳлик, неврология, кардиология, урологияга ихтисослаштирилган ушбу марказ "General Electric", "Siemens", "BTL", "Mirevarra", "Fujifilm" каби машҳур компанияларнинг илғор диагностика ускуналари билан жиҳозланган. Энг замонавий қурилмалар билан жиҳозланган иккита блокда жаҳон андозалари даражасида жарроҳлик амалиётини ўтказиш мумкин. Айни пайтда 52 ўринли стационар бўлимини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Ўттиздан ортиқ кишилар меҳнат қилаётган муассасада малакали кадрлар жамоасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Буюк Британия, Япония, Россия Федерациясидаги етакчи диагностика марказлари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Ўтган даврда бир гуруҳ шифокорлар ушбу мамлакатларда малака ошириб қайтди. Ҳиндистон ва Россиядан тажрибали шифокорлар ишга жалб этилган. Стационар ва физиотерапия бўлимлари ишга туширилиши билан яна 50 дан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари тўғри ташхис қўйиш ва касалликларни эрта аниқлаш учун бундай диагностика марказлари муҳимлигини таъкидлади.

Шу ерда Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан Наманган вилояти ахборот-кутубхона марказини модернизация қилиш ва китобхонлик маданиятини ошириш концепцияси тақдимоти ўтказилди. Унга мувофиқ, вилоятнинг яна 50 маҳалласида кутубхона, 12 та замонавий кўчма китоб дўкони барпо этиш, 4 та "Библиобус" фаолиятини йўлга қўйиш ражалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев аҳолига китобларни қулай тарзда етказиб бериш, вилоятда яшаб ўтган атоқли аллома ва адибларнинг асарларини нашр этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил май ойида вилоятга ташрифи чоғида Наманган шаҳри марказида барпо этилаётган "Афсоналар водийси" маданият ва истироҳат боғи лойиҳаси билан танишган ва уни энг замонавий талаблар асосида барпо этиш зарурлигини таъкидлаган эди. Бу галги ташриф доирасида мазкур боғда олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Боғ қурилишига Туркиянинг "DOME Partners" компанияси жалб этилган бўлиб, унинг ҳудудида савдо-кўнгилочар марказлар, ҳунармандлар маҳорат маркази, сайилгоҳ кўчаси, очиқ ва ёпиқ аквапарк, кутубхона, ресторан ва кафелар, трамвай йўли, тўрт юлдузли меҳмонхона, оилавий дам олиш масканлари, кўл, мусиқали фавворалар барпо этилади. Лойиҳага асосан, истироҳат боғига 8 турдаги аттракционлар ўрнатилади.

Шавкат Мирзиёев қурилиш жараёнини кўздан кечирар экан, жаҳонда ўхшаши кам бўладиган мазкур маданият ва истироҳат боғи келгусида нафақат вилоят, балки юртимизнинг ўзига хос ташриф қоғозига айланишини қайд этиб, қурилишни жадаллаштириш лозимлигини таъкидлади.

Наманган шаҳрининг Юксалиш маҳалласи кейинги икки йилда бутунлай янги қиёфа касб этди. 2018 йилда бу ерда 588 хонадондан иборат 14 та 7 қаватли арзон уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Жорий йил охиригача яна 14 та шундай уй-жой қурилиб, хонадонлар сони 1 минг 176 тага етказилади. Шунингдек, ушбу ҳудудда Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Миллий гвардия хизматчилари учун 8 та 5 қаватли турaржой биноси барпо этилмоқда.

Бундан ташқари, ҳудуднинг бош режасига мувофиқ, монолит услубида 9 ва 12 қаватли замонавий турaржойлар, шунингдек, бозор, спорт-соғломлаштириш марказлари, боғча, мактаб, кўп қаватли автомобиль сақлаш жойи қуриш режалаштирилган.

Юксалиш маҳалласи ёнида 80 гектарлик кичик саноат зонаси ташкил этилмоқда. Саноат зонаси тўлиқ ишга тушгандан сўнг 7 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Корея Республикаси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган "Hyundai" автомобиль заводи ҳам шу ҳудудга яқин жойда барпо этилади. Ҳам ҳудуд, ҳам ишлаб чиқариш салоҳияти ортиши ҳисобига Юксалиш маҳалласи юқори технологик шаҳарчага айланади.

Давлатимиз раҳбари Юксалиш маҳалласида барпо этилаётган кўп қаватли уйлар ва ҳудудни ривожлантириш лойиҳалари билан танишди.

Наманган шаҳрининг А. Хўжаев кўчасида "IT park" ташкил этилади. Уч қаватли бинода мактаб ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабаларига янги замонавий техникалар билан ишлаш кўникмасини ўргатувчи курслар, тўгараклар фаолияти йўлга қўйилади.

Президентимизга россиялик мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Наманган шаҳрини ривожлантириш бўйича таклифлар, замонавий шаҳарсозлик меъёрлари асосида Юксалиш шаҳарчасини обод қилиш, бизнес марказлар, дам олиш масканлари, сайилгоҳлар барпо этиш режалари ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари уй-жойларни сифатли қуриш билан бирга, уларга хизмат кўрсатиш даражасини ҳам ошириш кераклигини таъкидлади. Шаҳарни истиқболда янада ривожлантиришга доир лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи якунланди.

Умар АСРОРОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

2019 йил 1 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва марказий идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Ниғматилла Йўлдошев олиб борди.

Сенат аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот эшитилди. Омбудсман фаолиятининг асосий йўналиши сифатида қамоқда сақланаётган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишлар олиб борилаётгани қайд этилди. Йил давомида парламент палаталари билан ҳамкорликда тасдиқланган Қийноққа солишнинг ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларининг олдини олиш бўйича назорат-таҳлил тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш жадвали доирасида Миллий превентив механизм мандати билан қамраб олинган 70 дан ортиқ муассасаларга мониторинг ташрифлари амалга оширилди. Уларда депутатлар корпуси, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, "Human Rights Watch" халқаро жамоат ташкилоти ва БМТнинг Ўзбекистондаги Болалар жамғармаси ваколатхонаси вакиллари иштирок этди.

2018 йилда Омбудсманга инсон шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш масаласи бўйича 3923 та мурожаат, шу жумладан, 3489 та шикоят, 428 та ариза ва 6 та таклиф тушди. Парламент назорати субъекти сифатида Омбудсман томонидан 754 та шикоят кўриб чиқилди, бу шикоятлар умумий сонининг 34,9 фоизини ташкил этади. Мурожаат қилганлар манфаатлари йўлида жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги 48 та қарор бекор қилинди, судлар қарорларига 14 та протест киритилди. Омбудсман мурожаатлари бўйича прокуратура органлари томонидан жиноят ишлари бўйича судлар ҳукмлари юзасидан 7 та протест киритилди.

Омбудсман томонидан 2017 йилда амалиётга жорий этилган қонунчилик ваколатлари муваффақиятли синовдан ўтказилди. Парламент палаталари қўмиталарига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари ахборотларини эшитиш тўғрисидаги таклифларни, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолатларни, бунга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига тақдимномалар киритишга доир ҳуқуқлар амалга оширилди.

➡2

ДУНЁ НИГОҲИ

Элис УЭЛЛС:

ҲОЗИР, ЧИНДАН ҲАМ, ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛҲОМБАХШ ПАЛЛАДИР

Яқинда мамлакатимизга АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Элис Уэллс ташриф буюрди. У ташрифи давомида Президентимиз қабулида бўлди, турли давлат ва жамоат ташкилотларида музокаралар ўтказди. Шунингдек, меҳмон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ёшлар билан мулоқот қилди.

Эътиборингизга Элис Уэллснинг мазкур олий таълим даргоҳидаги маърузасининг энг муҳим жиҳатларини ҳавола этамиз.

Хоразмлик буюк олим ал-Беруний XI асрдаёқ биз яшаб турган дунё илгари тасаввур қилинганидан анчагина катта эканини тушуниб етган. Жуда кўп олимлар Ернинг ясси эканига ишонган пайтларида у ер шарининг нариги бурчагида ҳали ҳеч кимга номаълум бир қитъа мавжудлигини англаган. Ўша сеҳрли диёр ҳозир Америка Қўшма Штатлари ва бошқа халқлар учун ошён вазифасини ўтамоқда. Узоқ тарихда, Буюк Искандар давридан то Италия савдо шаҳарчалари юзага келгунча, Марказий Осиё халқаро алмашув учун чорраҳа вазифасини ўтаб келган. XXI асрга келиб, биз мамлакатлар ўз ҳолича ривожлана олмаслигига амин бўлдик. Мутафаккир ал-Беруний сингари биз ҳам кундан-кунга ўзимиз яшаётган дунё биз илгари ишонганимиздан кўра анча кенг эканини кашф этмоқдамиз. Айни пайтда Марказий Осиёнинг тўлиқ салоҳиятини тиклаш вақти келди.

Ўзбекистон тарихнинг муҳим бир бурилиш палласида турибди. У Марказий Осиёдаги аҳолиси энг кўп мамлакат, бу ерда нимаики содир бўлса, у нафақат шу халқ, балки бутун минтақа ва ундан ташқаридаги ҳудуд келажагини ҳам белгилаб беради.

➡3

2 март — Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун

МАМЛАКАТИМИЗ ТАШАББУСЛАРИ — ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЭЪТИРОФИДА

2 март куни биз учун Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиб кирган сана сифатида жуда қадрли. Мана, 27 йилдирки, мамлакатимиз байроғи мазкур ташкилотнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи олдида ҳилпираб турибди. Айнан ана шу кундан эътиборан юртимиз глобал ва минтақавий муаммолар муҳокамасида ҳамда муҳим халқаро қарорларни қабул қилиш жараёнида бевосита қатнашиш имкониятига эга бўлди.

Даставвал БМТ билан ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Булар хавфсизлик ҳамда барқарорликка таҳдидларга қарши кураш, Афғонистонни қайта тиклаш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, экологик муаммоларни ҳал этиш, хусусан, Орол денгизи фожиасининг оғир оқибатларини юмшатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби йўналишлардир.

Ўтган даврда Ўзбекистон томонидан илгари сурилган қатор ташаббуслар мунтазам қўллаб-қувватлаб келинаётгани барчамизни мамнун этади. Жумладан, Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудудни (МОЯҚХХ) ташкил этиш ташаббуси асосида 2006 йил 8 сентябрда Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида минтақа давлатлари томонидан "МОЯҚХХ ташкил этиш тўғрисида"ги шартнома имзоланди ва у 2009 йилга келиб тўлиқ кучга кирди. 2014 йилнинг 6 май куни эса БМТ бош қароргоҳида ядровий "бешлик" давлатлари томонидан ушбу Шартноманинг хавфсизлик бўйича кафолатлари тўғрисидаги Протокол ҳам имзоланди.

2015 йилда БМТнинг "Барқарор тараққиёт мақсадлари" деб номланган стратегияси эълон қилинди. Ташкилотга аъзо давлатларнинг барчаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, 2030 йилга қадар инсониятни равнақ топтиришнинг 17 та йўналишини ўз ичига олган мазкур стратегияда белгиланган мақсадларни амалга ошириш бобида юртимизда қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда. Масалан, таълим сифатини юксалтириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва фаоллигини ошириш, болалар ўлимини камайтириш, оналар соғлиғини яхшилаш, юқумли ҳамда хавфли касалликларнинг олдини олиш, экологик барқарорликни таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришилаётир. Бунга мисол қилиб республикамизда Давлат бюджетининг салкам 60 фоизи ижтимоий соҳа учун сарфланаётганлигини келтириш мумкин.

➡3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2019 йил 2 март

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

1

Фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида илтимоснома ҳамда фуқаролар манфаатлари йўлида судларга давлат божи тўламай ариза ва даъволар бериш ҳуқуқидан самарали фойдаланилди.

Омбудсман томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини ва амалиётини янада такомиллаштиришга доир тавсиялар ва таклифлар берилди. Омбудсман ҳисоботи сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахборотини эшитдилар.

Таъкидланганидек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида барча соҳада ислоҳотлар фаол давом эттирилмоқда. Бу жараёнда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда, бу эса, ўз навбатида, қабул қилинган ҳужжатларни ижрочиларга тезкор етказиш заруратини келтириб чиқармоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини ижрочиларга электрон шаклда етказишни таъминлаш вазифаси айнан Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Бу борада олиб борилган ўрганиш ва таҳлил айрим ҳолларда қонун ҳужжатлари матнлари давлат ташкилотларининг ҳудудий тузилмаларига ўз вақтида етказилмаётганини кўрсатди. Шуни ҳисобга олиб, Адлия вазирлиги томонидан янги тизим жорий этилиб, унинг доирасида ҳужжатлар минтақавий адлия органлари томонидан ҳудудий, шу жумладан, туман даражасидаги тузилмаларга бир вақтда юборилмоқда. Натижада 2018 йилда барча 1644 та қонун ҳужжати давлат органларига, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига тўлиқ юборилди.

Бунда нафақат давлат органлари, балки фуқаролар йиғинлари ҳам эътибордан четда қолмади. Барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳам ахборотни электрон алмашиш имконияти йўқлигини инобатга олиб, қонун ҳужжатлари матнлари, уларнинг қисқа изоҳлари бир ҳафтада бир марта махсус ахборот ташувчилар ёрдамида етказиб берилмоқда. Бу жараён вазирлик раҳбариятининг бевосита назоратига олинган. Бундан ташқари, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти адлия органлари томонидан мунтазам ўрганилмоқда. Хусусан, Ички ишлар, Маданият, Халқ таълими вазирликлари ва Давлат статистика қўмитасининг 2018 йилдаги фаолияти таҳлил қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрилди.

Мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида интернет тармоғи ва умуман, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, ўзбек ва рус тилларидаги 54 мингдан ортиқ ҳужжатлар жойлашган Миллий қонунчилик базаси — “lex.uz” фаолияти мунтазам такомиллаштирилмоқда. Бир кунда ўртача 25 мингдан зиёд фойдаланувчилар улардан фойдаланади.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан чет эл фуқароларини, шу жумладан, инвесторларни қизиқтириши мумкин бўлган қонун ҳужжатлари матнларини Миллий базага жойлаштириш бўйича иш бошланди. Биринчи босқичда якуний рўйхат тузилиб, ундаги матнлар инглиз тилига таржима қилинмоқда.

Юридик адабиётлар чоп этиш бўйича ишлар самарали амалга оширилмоқда. Хусусан, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва кодекслари тўплами ҳамда 274 минг нусхада 43 номдаги юридик адабиёт чоп қилинди. Муҳокама этилган масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар Қашқадарё вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботини эшитдилар. Қайд этилганидек, 2018 йилда ҳудудни комплекс ривожлантириш ва бу жараёнга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари салоҳиятини жалб қилиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2018 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 28,4 триллион сўмни ташкил этди ва аввалги йилдагига нисбатан ўсди. Бунда 14196,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 105,7 фоизни ташкил этди.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 755 миллион АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 126,4 фоизни, шу жумладан, экспорт 265,9 миллион АҚШ долларини, ўтган йилдагига нисбатан 117,5 фоизни, импорт 488,8 миллион АҚШ долларини, ўтган йилдагига нисбатан 131,9 фоизни ташкил этди. Хорижий сармоялар ҳисобидан 8339,2 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиб, шундан 1503,7 миллиард сўми тўғридан-тўғри ва 6835,5 миллиард сўми давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига тўғри келади. Йўл-транспорт ва муҳандислик соҳаларида 284 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари олиб борилган. Ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича 937,6 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил январь ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида белгиланган вазифаларни бажариш доирасида 521 лойиҳани амалга ошириш ва 9 мингдан зиёд иш ўринлари яратиш учун 2,9 триллион сўм йўналтириш режалаштирилган.

Долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг роли тилга олинди. Жумладан, сўнгги икки йил давомида ҳудудлар учун долзарб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган 150 дан зиёд масалалар маҳаллий Кенгашлар сессияларида муҳокама этилган. Маҳаллий Кенгашлар томонидан аҳолини ташвишга солаётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш хусусида 400 дан зиёд мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилди, мамлакатимиз тузилмалари раҳбарларига 300 дан ортиқ депутатлар сўрови юборилди.

Шу билан бирга, сенаторлар Қашқадарё вилоятида маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор муаммо ва камчиликлар борлигини ҳамда маҳаллий Кенгашлар мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланмаётганлигини таъкидладилар. Муҳокама якунлари бўйича вазирлик ва идораларнинг, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг вилоятни ривожлантириш масалаларини ҳал этиш бўйича жавобгарлигини оширишга қаратилган Олий Мажлис Сенатининг қарори қабул қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига фуқароларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ҳамда ушбу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги вақтда қабул қилинган Фармон ва қарорларига мувофиқ, 2019 йил 1 январдан бошлаб рухсатнома ёзуви стикерини расмийлаштириш тартиби бекор қилинди ва чет элга чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти жорий этилди. Бироқ жойларда ўтказилган ўрганиш бу йўналишда қатор муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарига фуқароларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ҳамда бу йўналишдаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти тўғрисида парламент сўрови юбориш зарурати юзага келди.

Шундан кейин юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазирига жисмоний шахслар кўчмас мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларни солиққа тортишга доир қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида жисмоний шахслар кадастр объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, мулк солиғини ҳисоблашнинг ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Бироқ мазкур йўналишда олиб борилган ўрганиш натижалари, фуқаролар мурожаатлари, ижтимоий тармоқларда билдирилаётган фикрлар таҳлили мазкур соҳада муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазирига парламент сўрови юбориш заруратини келтириб чиқарди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарига умумтаълим мактаблари дарсликларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлиги юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, мамлакатимиздаги 9,5 мингдан ортиқ умумтаълим мактабларида 5,8 миллион ўқувчи таҳсил олади, уларга 20 дан ортиқ фанлар бўйича 445 минг педагог дарс беради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан 2017/2018 ўқув йилида она тили ва математика фанлари бўйича ўтказилган ёзма назорат ишлари натижалари ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши лозим даражада эмаслигини кўрсатди.

Мамлакатимиздаги вазирликлар ва идоралар, педагоглар, дарслик муаллифлари, олимлар ҳамда экспертлар фикрларини ўрганиш жараёнида мавжуд дарсликларнинг мукаммал эмаслиги ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири экани аниқланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарига умумтаълим мактаблари дарсликларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлиги юзасидан парламент сўрови юбориш зарурати вужудга келди. Муҳокама якунлари бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўн саккизинчи ялпи мажлис давомида 23 та масала, шу жумладан, 15 та қонун кўриб чиқилди. Сенаторлар томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикаси қонунлари жамият ҳаётининг барча соҳаси ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ДАСТУРЛАР ИЖРОСИГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШИШ ЗАРУР

Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси иккинчи куни жонли мулоқот, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига тааллуқли масалаларга оид фикр-мулоҳазаларга бой бўлди. Сенаторлар томонидан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2018 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ҳамда адлия вазирининг ўтган йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахбороти эшитилди. Бундан ташқари, Қашқадарё вилояти ҳокими ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботини тақдим этди. Жойлардаги аҳволни яқиндан ўрганиш натижалари ва фуқароларнинг мурожаатларидан келиб чиқиб, Ҳукумат аъзоларига парламент сўровлари юборишга қарор қилинди.

Мухбиримиз муҳокама этилган масалалар юзасидан сенаторларнинг фикрлари билан қизиқди.

Толибжон МАДУМАРОВ,
Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси раиси:

— Ялпи мажлисда Қашқадарё вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи билан танишдик.

Ўзимиз ҳудуддаги ҳолатни яқиндан ўрганганимизда, белгиланган режаларни тўлақонли амалга оширишга салбий таъсир кўрсатаётган кўплаб муаммо ва камчиликлар аниқланди. Айниқса, айрим вазирлик ҳамда марказий идоларнинг вилоятдаги мавжуд муаммолар ечимига комплекс ёндашмаётгани, уларни ҳал этиш бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг ташаббуслари, таклифлари, аҳоли хоҳиш-истаклари етарли даражада инобатга олинмаётгани оқибатида қатор масалалар долзарблигича қолмоқда.

Халқ фаровонлигини ошириш, турмуш тарзини яхшилаш мақсадида қатор дастурлар қабул қилинса-да, уларнинг тўлақонли ижросини таъминлаш масаласига сусткашлик билан қараляпти. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Қашқадарё вилоятининг айрим туманларини комплекс ривожлантириш бўйича дастурлардаги қатор чора-тадбирлар масъул вазирлик ва идораларнинг сусткашлиги оқибатида ўз вақтида амалга оширилмаган.

Деҳқонобод ва Миришкор туманларини 2018-2019 йилларда комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастурларидаги 2018 йил охирига қадар якунланиши лозим вазифалар бажарилмаган. Хусусан, маблағ ажратилмагани сабабли “Авазчўл” ҳамда “Амир Темур” сув йиғиш ва тарқатиш иншоотларининг реконструкцияси, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида юқумли касалликларни аниқлаш лабораториясини қуриш, ирригация иншооти учун электр узатиш тармоғини барпо этиш ва реконструкция қилиш каби вазифалар ижроси таъминланмаяпти.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан, айниқса, вилоят шаҳарларидаги, туманлар марказларидаги йиллар давомида сақланиб қолган коммунал соҳага оид муаммолар ечимига комплекс тарзда ёндашилмаётгани аҳолининг жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, бундай камчиликлар фақат Қашқадарё вилоятигагина хос эмас. Ҳар бир ҳудудда минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига халақит бераётган кўплаб муаммолар, ечимини кутаётган долзарб масалалар мавжуд.

Президентимиз ташаббуси билан ҳокимларнинг ҳудудларни ривожлантириш бўйича ҳисоботларини Сенатда эшитиш амалиёти жорий этилаётгани эса бундай долзарб масалалар ечимига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бу борада Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди. Унга кўра, Қашқадарё вилоятидаги мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича Ҳукумат, мутасаддди вазирлик ва идоралар зиммасига қатор вазифалар юклатилмоқда.

Комила КАВЛАНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Адлия вазирининг 2018 йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахборотида кўпгина маълумотлар келтирилди. Тўғри, бу борада қилинган ишлар кўп. Аммо ҳуқуқий тарғиботни янада кучайтириш, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида қилинаётган ишларимизни жонлантириш лозим. Чунки ўтказилаётган ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, давлат органлари ўз фаолиятига доир қонун ҳужжатлари матнини тизимидаги идораларга тўлиқ етказмаяпти. Бунга сабаб сифатида масъул ходимларнинг сусткашлигини кўрсатиш мумкин. Яна бир сабаб — ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Тан олиб айтишимиз керакки, бу масалага ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараш ҳоллари мавжуд.

Ушбу вазифа ҳуқуқшуноснинг иши, деган тушунча кенг тарқалган. Албатта, ташкилот юридик хизмати ходими соҳа фаолиятига оид қонунчилик тарғиботи билан шуғулланиши керак. Лекин бор-йўғи бир ёки бир неча ҳуқуқшуносга ушбу вазифани тўлалигича юклаб қўйиш тарғибот тадбирлари самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ташкилотларнинг барча таркибий бўлинмалари ходимлари ҳуқуқий тарғибот ишларида фаол иштирок этиши лозим.

Шулардан келиб чиқиб, вазирлик томонидан давлат идоралари масъулларининг ҳуқуқий билимларини кучайтириш юзасидан ҳам тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

Мунисхон КАРИМОВА ёзиб олди.

Маҳаллий Кенгашларда

ХОРАЗМДА ҚАЙСИ КАСАЛЛИКЛАР УЛУШИ ЮҚОРИ?

Аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий хизмат қамровини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда алоҳида ўрин тутади. Шундан келиб чиқиб, мазкур тизим бугунги кун талаблари асосида, интеграциялашган ҳолда ишлашини таъминлаш учун мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш, уларга ечим топишга катта эътибор қаратилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери бошчилигида парламент қуйи палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари мутахассисларидан иборат Республика ишчи гуруҳи томонидан жойларда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами сифатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилиб, таҳлил қилинаётгани мисолида ҳам буни кўриш мумкин. Хусусан, Хоразм вилоятида олиб борилган ана шундай ўрганиш якунлари халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида атрофлича кўриб чиқилди.

Республика ишчи гуруҳи аъзолари хонадонларда бўлиб, сурункали касалликларга чалинган қарийб 3 800 нафар фуқаро ва эҳтиёжманд оилалар аъзоларини тиббий кўрикдан ўтказгани таъкидланди. Шундан 480 нафарига амбулатор, 383 нафарига туман тиббиёт бирлашмаси, 136 нафарига вилоят, 12 нафарига республика тиббиёт муассасаларида даволаниш учун йўлланма берилди, 50 нафар беморда юқори технологик жарроҳлик операцияси амалга оширилди. Ногиронлиги бўлган бир қанча беморларга махсус аравачалар топширилди. Айни чоғда парламент қуйи палатаси депутатлари иштирокида туманларда биттадан маҳаллада ҳудудий бирламчи тиббиёт муассасаси раҳбарининг аҳоли олдидаги ахборотини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди.

Сессияда вилоятда тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси, дори-дармон, тиббий буюмлар таъминоти яхшилангани, тиббиёт ходимлари масъулияти ошгани ҳамда соҳа муассасалари аҳолига яқинлаштирилгани боис бир қатор ижобий натижаларга эришилгани айтиб ўтилди. Воҳа аҳолиси билан ўтказилган суҳбатлар давомида шошилинч тез ёрдам, хусусан, тез тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари яхшилангани эътироф этилди. Тиббиёт муассасалари биноларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари олдинги йиллардагига нисбатан кенгайиб, жадал давом эттирилаётир.

Таҳлилларга кўра, 2018 йилда Инвестиция дастури доирасида 18 та объектда 33 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган. “Обод қишлоқ” дастури асосида 11 тиббиёт муассасасида 4,7 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган. Маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан эса манзилли рўйхат асосида 16 та тиббиёт муассасасида 3,9 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари рўёбга чиқарилган.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали учун 1 миллион 977 минг долларлик 40 турдаги универсал ангиографик жамлама, кўп функционалли ультратовушли сканер, компьютерли стресс тизим, сунъий қон айланиш аппарати харид қилиниб, ишга туширилган. Натижада 2018 йилнинг ўзида марказ томонидан 296 та юқори технологик жарроҳлик амалиёти муваффақиятли бажарилди.

Сессияда урология, офтальмология, нейрохирургия, кардиохирургия йўналишлари бўйича замонавий технологияларнинг амалиётга татбиқ қилиниши натижасида республика илмий-амалий тиббиёт марказларига вилоятдан борадиган беморлар ўтган йилларга нисбатан камайиб, имтиёзли ордерлардан фойдаланиш 50 фоизга тушгани ижобий баҳоланди. Аммо шу каби ютуқларга қарамай, умумий касалланиш кўрсаткичлари орасида нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, қон ва қон яратувчи аъзолар касалликлари улуши юқорилигича қолаётганини назарда тутиб, бу борадаги ишларни жиддий кўриб чиқиш лозимлигига урғу берилди. Шунингдек, тизимдаги мавжуд тиббий-техника ва асбоб-ускуналарни замонавийларига алмаштириш кераклиги ҳам эътибордан четда қолмади.

Вилоятда аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами сифат ва самарадорлигини ошириш, муассасаларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, кадрлар таъминоти ва салоҳиятини кучайтириш, санитар-эпидемиологик вазият барқарорлигини таъминлаш ҳамда хусусий секторни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган Чора-тадбирлар дастури муҳокама этилиб, тасдиқланди. Унда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан депутатлик назоратини ўрнатишга келишиб олинди.

Сессия якунлари юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарори қабул қилинди.

Одилбек ОДАМБОЕВ («Халқ сўзи»).

Халқ вакиллари — туманларда

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ДЕПУТАТЛАРДАН ҚАНДАЙ УМИДИ БОР?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувлари жойлардаги муаммолар ечимини топишнинг ўзига хос мулоқот майдонига айланмоқда.

Чунончи, Ғузор туманида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят ҳамда туман Кенгашлари депутатларининг сайловчилар билан юзма-юз мулоқотларида электр таъминотидаги, мактаблардаги жорий таъмирлаш масалалари, ички йўлларнинг аҳволи ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Биргина мисол, туманнинг “Совлиғар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 64-умумтаълим мактабида қатор муаммолар юзага келган.

— Мактабимиз 1992 йилда қуриб фойдаланишга топширилган, — дейди директор Эшпўлат Жовлиев. — Ҳозирги кунда 220 нафар ўқувчи таҳсил олади. Лекин муассасанинг спорт зали таъмирталаб, синф хоналарининг пол қисми яроқсиз. Мактабимизда ўтказилган учрашувда уни таъмирлашда ёрдам беришлари бўйича мурожаат қилдик.

Маҳалла фаолларининг таъкидлашича, Совлиғар, Кескак ва Қоратикан қишлоқларида ўтган йил ноябрдан буён электр таъминотида мунтазам узилишлар бўлади. Туман маркази билан боғловчи йўллар таъмирталаб аҳволда.

— Муаммоларни жойида ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комила Каромова. — Хусусан, мактаблар ва йўлларни таъмирлаш, электр таъминотидаги узилишларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилот мутасаддиларига кўрсатмалар берилди. Натижада шу куннинг ўзида Совлиғар, Кескак ва Қоратикан қишлоқларида электр таъминоти сифати яхшиланди. Йўлларни асфальт қилиш масаласи ҳам эътиборга олиниб, амалий ёрдам кўрсатилади.

Шунингдек, Ғузор туманидан ўтувчи янги лойиҳадаги йўлўтказгич қурилиши бир неча йилдан буён чўзилаётгани сабабли шу ердан қатновчи Қорғин ва Бахмал қишлоқлари аҳолисига ноқулайлик туғдирмоқда. Айниқса, 51-мактаб ўқувчилари ёғин-сочинли кунларда ва қиш ойларида жуда қийналяпти. 320 ўринга мўлжалланган ушбу мактаб атрофининг 200 метр очиқ қисмини девор билан ўраш ҳамда муассаса учун спорт зали қурилиши масалаларини ҳал этиш депутатлар назоратига олинди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ («Халқ сўзи»).

МУАММОЛАР НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Жиззах шаҳрида шаҳарлараро транспорт қатнови йўлга қўйилмаган, туманлардаги автошоҳбекатлар ишламайди, ноқонуний равишда лицензиясиз таксилар ҳаракатланаётгани турли тартибсизликларни келтириб чиқармоқда...

Жиззах шаҳри, Кимёгар маҳалласи, 4-умумтаълим мактабида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Эркин Холбўтаев ва сайловчилар иштирокида бўлиб ўтган учрашувда ана шундай муаммолар ўртага ташланди.

Йиғилишда фуқаро Элмурод Каримов ўтган йили октябрь ойида кредит олиш мақсадида “Ўзмиллийбанк”нинг Жиззах вилояти бўлимига зарур ҳужжатларни топширгани, лекин бир неча марта банкка мурожаат қилса-да, шу кунга қадар кредит ажратилмаганидан шикоят қилиб, шу масаланинг ижобий ҳал этилишида депутатдан ёрдам сўради.

Мазкур масала депутат назоратига олинди.

Шунингдек, учрашув давомида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган ва савдо, маиший хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, белгиланган тартибда имтиёзли кредитлар ажратилиши, янги иш ўринлари яратилиши, пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўланиши каби масалалар кўриб чиқилди.

Толибжон ЭРГАШЕВ («Халқ сўзи»).

Элис УЭЛЛС:
ҲОЗИР, ЧИНДАН ҲАМ, ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛҲОМБАХШ ПАЛЛАДИР

1

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистоннинг ўз фуқаролари олдидаги масъулиятни ҳис этувчи, уларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилувчи ҳукумати бор, ўз қўшнилари билан конструктив муносабат ўрнатган, хорижий сармояларнинг киришига йўл очиб, уларни қўллаб-қувватлайдиган эркин иқтисодиёти мавжуд юксак тараққий этган, замонавий давлатга айланишини истайди. Бундай ислоҳотларни амалга ошириш осон кечмайди, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам муҳим ва Қўшма Штатлар уларни қатъий қўллаб-қувватлайди.

Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон қандай қилиб энг яхши йўлдан фойдаланиб, биргаликда олдинга силжишини тушуниш учун бизнинг муштарак устувор мақсадларимиз нималарда кўринишини англаб олишимиз лозим. АҚШнинг Ўзбекистонга нисбатан сиёсати Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон учун белгилаб берган устуворликлар билан ҳамоҳангдир.

Энг аввало, Ўзбекистонни мустақил давлат, дея биринчилардан бўлиб тан олган мамлакат сифатида, 1991 йилдан буён бўлгани каби, Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашга содиқдир.

Америкаликлар учун мустақилликдан ҳам қадрлироқ ҳеч нарса мавжуд эмас, чунки у ҳар бир инсоннинг яшаш, озод ва бахтли бўлишдек ажралмас ҳуқуқини таъминлайди. Ўзбекистонда биз фикрлар ҳамоҳанглигини кўрмоқдамиз, бу — халқ ташқи босимларга қарши мардона турган, хорижий кучларга қарамликдан қочган, ўз йўлидан оғишмайдиган, сиёсати ва устуворликларини ўзи белгилайдиган ҳамда иттифоқчиларини ўз хоҳишига кўра танлайдиган халқдир.

Шу маънода, биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг илғор, минтақа учун намуна бўлгулик "энг аввало, қўшнилар" сиёсатини юқори баҳолаймиз. Бундай сиёсатдан нафақат Ўзбекистон, балки қўшни давлатлар ҳам баҳраманд бўлади. Чегараларнинг очилиши, эски келишмовчиликларга барҳам бериш туфайли кўп соҳаларда, шу жумладан, минтақа ҳамда Афғонистон билан ўзаро муносабатларда янги алоқалар кучайди.

> Асосан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг яхши қўшничилик борасидаги ташаббуси натижасида Марказий Осиёдаги бешта мамлакат ўртасида кейинги икки йил ичида содир бўлган ўзгаришлар таҳсинга лойиқ.

25 йиллик келишмовчиликлар тезда ҳал этилгани, минтақа мамлакатлари кучли, суверен давлат каби биргаликда фаолият олиб бораётганини кўриш мисли кўрилмаган ҳолатдир.

Энди АҚШнинг Ўзбекистондаги сиёсатининг яна бир муҳим қисмига ўтсак: Қўшма Штатлар бу ердаги барқарор ўсиш ва иқтисодий фаровонликни илгари суришга содиқдир. Биз хорижий сармоя киришига хайрихоҳлик билдириб, уни қўллаб-қувватлайдиган очиқ, шаффоф бозор иқтисодиётини яратишга қаратилган ислоҳотларни олқишлаймиз. Шуни мамнуният билан қайд этишим керакки, 2018 йил октябрь ойида Ўзбекистонда биринчи бор USAID ҳомийлигида Марказий Осиё савдо форуми ўтказилиб, унинг натижасида 56 миллион доллардан ортиқ савдо келишувлари имзоланди. Бу ўша йиллик тадбир учун рекорд кўрсаткич бўлиб, у мамлакатларимиз ўртасида янада яқинроқ иқтисодий алоқалар ўрнатиш учун ғоят кўп имконият, Ўзбекистонда бизнес қилиш учун эса катта қизиқиш борлигини ифодалади.

Ўзбекистондаги ислоҳотларни эътироф этган ҳолда, АҚШ савдо ишлари вазири Уилбур Росс тижорий муносабатларимизни янада фаоллаштириш мақсадида Савдо форумидан кўп ўтмай Тошкентга келди. Ташриф чоғида жаноб Росс Ўзбекистон келажаги учун сармоя киритиш, икки томонлама савдо алоқаларини кучайтириш ва шу халқ иқтисодий ривожида конструктив роль ўйнаш учун ўзбек бозоридаги янги имкониятлар билан танишиш мақсадида жорий йил июнь ойида АҚШ расмий савдо делегацияси Ўзбекистонга келишини эълон қилди.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётига қўшилишга интилар экан, Америка Қўшма Штатлари мамлакатнинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлишдек мақсадини қўллаб-қувватлайди. Шу ниятда биз Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигини ЖСТга аъзо бўлишда маслаҳат берувчи мутахассис билан таъминладик. АҚШ Ўзбекистоннинг интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида яна муҳим учта шартномага қўшилганини олқишлайди. Булар сармоядорларнинг Ўзбекистонга бўлган ишончини ошириш йўлида қўйилган муҳим қадамлардир. Ўзбекистон ўзига жалб қилувчи бизнес муҳитини яратишда келгуси қадамларни қўяр экан, Америка Қўшма Штатлари бу борада бирга иш олиб боришга шай турибди.

АҚШнинг Ўзбекистондаги сиёсатининг кейинги муҳим йўналиши шуки, ҳар икки мамлакат минтақавий барқарорликни таъминлаш ва терроризмга қарши курашда яқдилдир. Шу мақсадда хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигимиз кейинги икки йил ичида анча фаоллашди. Ўтган йили кузда бизнинг мудофаа соҳасидаги маслаҳатлашувларимиз муваффақиятли ўтди. Ўтган йил май ойида икки Президент учрашуви натижасида бизнинг Мудофаа вазирлигимиз Ўзбекистондаги хавфсизлик дастурини замонавийлаштиришга ёрдам бериш йўлларини кўздан кечириш мақсадида Ўзбекистонга махсус миссия юборди. Марказий Осиёдаги минтақавий барқарорлик ҳар доим Афғонистонни ўз ичига олади. Қўшма Штатлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистондаги мазмунли ва инклюзив муроса жараёнини қўллаб-қувватлашдаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди.

Афғонистонда ўн йиллар давомида юзага келган можародан сўнг бизнинг мақсадимиз ҳарбий ҳаракатларни тугатиб, барқарор ва ваколатли ҳукуматни таъминлайдиган, шунингдек, Афғонистоннинг қайта халқаро терроризм ўчоғига айланмаслиги учун хавфсизлик чораларини яратадиган сиёсий келишув юзага келишига кўмаклашишдан иборатдир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича олиб бораётган саъй-ҳаракатлари мақтовга лойиқ. 2018 йил март ойида ўтган Тошкент конференцияси Афғонистондаги ечимни сиёсий музокара орқали юқори даражада қўллаб-қувватлашга туртки берган йиғин бўлиб, у сўнгги 18 йилдаги ижтимоий ютуқларга мос қадам эди.

Биз зўравон экстремизм бутун минтақа учун жиддий хавф бўлиб қолаётганини ҳам яхши тушунамиз. Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон зўравон экстремизм ҳамда зўравонлик учун радикаллашиш илдизларига болта уришга бирдек қизиқиш билдиради. Жиноятчи ва зўравон экстремистлар чегара билмайди. Замонавий дунёда ҳеч қайси халқ ёлғиз ўзи уларга қарши тура олмайди.

> Икки томонлама муносабатларимизнинг яна бир муҳим қисми — Қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликларни ҳурмат қилиш бутун дунёда кўпдан буён АҚШ сиёсатининг асоси бўлиб келмоқда ва бу Ўзбекистонда ҳам шундай. Биз инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликлари, жумладан, дин эркинлигини таъминлаш ва мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича Ўзбекистон амалга оширган ишларни юксак баҳолаймиз.

Минглаб кишиларнинг "қора рўйхат"дан чиқарилиши ва виждон тутқунларининг қамоқдан озод этилиши таҳсинга лойиқдир.

Шунингдек, АҚШ Ўзбекистонни пахта етиштиришдаги мажбурий меҳнат ҳамда болалар меҳнатини тугатишда эришган ютуғи билан табриклайди.

АҚШ барча давомий ва мазмунли муносабатлар оддий халқ ўртасидаги алоқалар асосига ўрнатилганини эътироф этади. Биз, албатта, муҳим саналган мураккаб ташқи сиёсат масалалари ҳақида узоқ гапиришимиз мумкин. Қисқаси, англаймизки, икки буюк мамлакатнинг халқлари ўртасида боғланган ўзаро дўстлик ришталари, чиндан ҳам, муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон билан таълим ва маданий алмашувларни кучайтиришга катта куч сарфлайди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга қилган тарихий ташрифидан буён Ўзбекистон университетларидаги америкалик инглиз тили ўқитувчилари сони тўрт баравар ошди. Биз бутун мамлакат бўйлаб ёшларга глобал иқтисодиётда муваффақиятга эришишда муҳим саналган малакаларни кучайтиришга ёрдам берадиган инглиз тили дастурларини йўлга қўйдик.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан муваффақиятли ҳамкорлигимиз Тошкентда "Америка дарчаси" таълим марказини очишимизга имкон берди. Ресурслар чекланган шаҳарларга инглиз тилидаги материаллар ва дастурларни олиб келиш мақсадида келгуси икки йил мобайнида Ўзбекистон бўйлаб яна қўшимча олтита шундай марказни очишга умид қиламиз. Бундай ресурс марказлари инглиз тилини ўқитишда, шунингдек, ўзбекистонлик талабалар билан АҚШда қандай қилиб таълим олиш мумкинлиги ҳақидаги ахборотни бўлишишда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга ташрифи чоғида мамлакатларимиз кўпроқ университетлараро ҳамкорлик ва академик алмашувларни йўлга қўйишга қаратилган англашув меморандумларини ҳам имзолади. Ўзим эса бевосита Президент Мирзиёевдан унинг таълимга оид ислоҳотлар ҳақидаги қарашларини эшитдим.

Ҳозир, чиндан ҳам, Ўзбекистонда илҳомбахш палладир, янада замонавий, фаровон ва очиқ жамият қуриш йўлидаги ўсиш палласи. Бу жараёнда мен ҳаммадан ҳам кўра ёшларнинг астойдил енг шимариб, янги Ўзбекистонни барпо этишга ўз ҳиссасини қўшишини мақсадга мувофиқ, деб биламан. Сиз Ватанингизга жуда кераксиз.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАРГА АҚШ ЖАМОАТЧИЛИГИ ЮКСАК БАҲО БЕРМОҚДА

Яқинда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси Вашингтон ҳукуматлараро профессионал гуруҳи билан ҳамкорликда Жаҳон савдо марказида брифинг ўтказди. Унда Америка Қўшма Штатларидаги етакчи ишбилармон, ижтимоий-сиёсий ва маданий-гуманитар доиралар вакиллари ҳозир бўлди.

Тақдимот

Иштирокчилар орасида АҚШ Савдо вазирлиги, 300 мингдан зиёд компанияларни ўзида бирлаштирган Савдо палатаси ходимлари, Огайо ва Жоржтаун университетлари раҳбарияти, консалтинг ҳамда аудит соҳасида дунё бўйича кучли тўртликка кирадиган "Price water house Coopers" халқаро компаниялар тармоғи экспертлари бор эди.

Мазкур мулоқот Ўзбекистоннинг инвестициявий ва сайёҳлик салоҳияти билан хорижликларни яқиндан таништириш ва юртимиз бой тарихий-маданий меросини тақдим этиш мақсадида ташкил этилди.

Вашингтондаги Жаҳон савдо маркази АҚШнинг 40-президенти шарафига Рональд Рейган биноси, деб ҳам юритилади. Мазкур муассаса дунёдаги юздан ортиқ мамлакатларнинг 750 мингта шуъба компанияси ҳамда 330 та савдо марказини бирлаштирган Жаҳон савдо марказлари уюшмаси таркибидан жой олган. У ерда савдо миссиялари, сиёсий доиралар ва ишбилармонлар жамоатчилиги жаҳон савдоси ҳамда инвестиция муҳитини янада ривожлантиришнинг энг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун мунтазам йиғилиб туришади.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси Ж. Ваҳобов мамлакатимиз, сармоявий имкониятларимиз хусусида кенг қамровли тақдимот қилди. Хусусан, республикада инвестициявий жозибадорликни ошириш ва АҚШ билан барча йўналишдаги икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Экспертлар мамлакатнинг иқтисодий модели бозор механизмига ўтаётганига эътибор қаратишди. Жумладан, 2017 йилдан бошлаб миллий валютанинг эркин конвертацияси йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Эътироф этилганидек, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг катта бозордир. Аҳолиси 33 миллион ва таълим олиш даражаси 97 фоизга тенг. Мамлакатни мазкур кўрсаткичлари билан Сингапур ва Испанияга қиёслаш мумкин. Шуларга уйғун тарзда Ўзбекистон миллий иқтисодиётнинг жадал ўсиш суръатларини сақлаб қолган ҳолда ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасига фаол мослашяпти.

Брифингда юртимиз бой табиий ресурсларга эга эканлиги айтилиб, олтин, табиий газ, мис, уран ва кўмирнинг салмоқли захираси мавжудлиги қайд этилди. Бугунги кунда миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш ва энергия таъминотини ошириш бўйича кўплаб саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир. Келажакда ишга туширилаётган биринчи атом электр станцияси қаторида гидроэнергетика, қуёш ва шамол энергиясини ривожлантириш ҳам биринчи галдаги вазифалар ҳисобланади.

> *АҚШ Давлат департаменти маълумотларига кўра, Ўзбекистон туризм учун алоҳида эҳтиёт чоралари талаб этилмайдиган хавфсиз мамлакатдир. Дунё ҳуқуқ-тартибот индекси, Дунё тинчлик индекси Ўзбекистонни жаҳондаги энг хавфсиз бешта давлатдан бири, дея эътироф этиб келяпти.*

Тадбирда минтақа бозорига чиқишнинг логистик савдо йўналишлари хусусида тўхталиб ўтилди. Ўзбекистон минтақада энг кўп аҳолига эга мамлакат бўлгани ҳолда 300 миллионлик бозорга тўғридан-тўғри чиқа олади. Боз устига, бозорлари миллиардлар билан ўлчанадиган Хитой, Ҳиндистон ва Покистон билан яқин масофаларда жойлашган. Ўзбекистон ўзаро ҳамкорлик асосида 40 та давлатга энг яхши қулайликлар режимини тақдим этмоқда. АҚШ, Япония, ГФР, Буюк Британия, Франция, Корея Республикаси, Хитой каби ривожланган давлатлар билан ўзаро фойдали ҳамда узоқ муддатли алоқалар ўрнатилган.

Халқаро молия институтлари ва ташкилотлари, таҳлил марказлари, бизнес тузилмалари, қисқача айтганда, дунё жамоатчилиги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларни тан оляпти. Ўз тарихида илк бор Лондон биржасига еврооблигацияларни чиқариши ҳам халқаро инвесторлар Ўзбекистон ва унинг тараққиётига ишонаётганидан далолатдир. Жаҳон банки мамлакатнинг "Doing business" ("Бизнес юритиш") рейтингидаги ўрнини 2012 йилдаги 166-поғонадан 2019 йилда 76-поғонагача кўтарди. "Moody's", "Fitch" ва "Standard & Poor's" халқаро рейтинг агентликлари Ўзбекистонга узоқ муддатли суверен рейтингларни берди.

Сайёҳлик саноати равнақи брифингдаги яна бир алоҳида мавзу бўлди. АҚШ Давлат департаменти маълумотларига кўра, Ўзбекистон туризм учун алоҳида эҳтиёт чоралари талаб этилмайдиган хавфсиз мамлакатдир. Дунё ҳуқуқ-тартибот индекси, Дунё тинчлик индекси Ўзбекистонни жаҳондаги энг хавфсиз бешта давлатдан бири, дея эътироф этиб келяпти. "New York Times Journeys" Ўзбекистонни ҳар йили ташриф буюриш керак бўлган энг яхши 52 та манзил қаторига киритди. Бинобарин, 2019 йилда диёримизга "New York Times"дан тўртта гуруҳ ташриф буюриши кутиляпти. Бу ўтган йилдагига нисбатан икки баробар кўпдир.

Анжуман давомида савол-жаволар ҳам бўлиб ўтди. Ушбу муҳокамалар мазмунли кечди. Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси иштирокчиларни қизиқтирган барча саволга муфассал жавоб қайтарди. Шу асосда Америка аудиторияси ўртасида Ўзбекистонда рўй бераётган ислоҳотлар ва ўзгаришларга нисбатан қизиқиш барқарор тарзда ўсиб бораётганини ишонч билан айтиш мумкин. Республикада 60 дан зиёд мамлакатларга визасиз режим жорий этилиши, электрон визанинг йўлга қўйилиши, туризм инфратузилмаси ривожи Ғарб жамоатчилиги томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

Тадбир сўнгида Вашингтон ҳукуматлараро профессионал гуруҳи раҳбари Нельсон Гарсия интервью берди:

— Вашингтон ҳукуматлараро профессионал гуруҳи раҳбариман, — дейди у. — Ташкилотимиз АҚШ пойтахтидаги етакчи ишбилармон доиралари ва давлат муассасалари вакилларини ўзида бирлаштиради. Ўзбекистон ҳақидаги бугунги тақдимот кенг қамровли бўлди. Унда туризм бозори салоҳияти, бой маданий мерос, қолаверса, савдо-инвестициявий имкониятлар ҳамда сайёҳлик жабҳасидаги аниқ лойиҳалар билан батафсил танишдик. Тақдим этилган видеоматериаллар эса мамлакатингиз гўзаллигини янада яхшироқ кўрсатиб бера олди. Эндиликда кўплаб иштирокчиларимиз Ўзбекистонга салоҳиятли инвесторлар ва туристлар сифатида боришни исташмоқда. Туризм ва бизнес соҳаларида юқори рейтинглар берилиши йўли билан Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилиши элчи томонидан яққол кўрсатиб берилди. Биз Америка жамоатчилигида мамлакатингиз ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш йўлида Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси билан бундан кейин ҳам ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Саиджон МАХСУМОВ
(«Халқ сўзи»).

Ҳамкорлик

БМТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили вазифасини бажарувчи Леван Буадзе бошчилигидаги делегация икки кунлик сафар билан Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов меҳмонни ҳудудга ташрифи билан қутлаб, БМТ Тараққиёт дастури томонидан Орол инқирози оқибатидан жабр кўрган одамларнинг яшаш шароитини яхшилаш борасида кўрсатилаётган кўмак учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда истиқболдаги ҳамкорлик масаласи муҳокама қилинди.

Меҳмонлар лойиҳага кўра, яйловларни ривожлантириш бўйича ташкил этилган ишлаб чиқариш субъектларига қишлоқ хўжалиги техникаларини топшириш маросимида қатнашди. Мазкур техникаларнинг бир қисми БМТ Тараққиёт дастури билан Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ўртасида имзоланган меморандумга мувофиқ харид қилинган. Бу каби техникалар Орол денгизининг қуриган тубида кўчат экиш, мелиоратив тадбирлар олиб бориш, яйловлар унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Меҳмонлар Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали қошида ташкил этилган маслаҳат-маълумот марказида ҳам бўлди. Муассаса намлик, тупроқ шўрлигини ўлчаш воситалари, керакли офис ускуналари, махсус мавзулар бўйича тематик қўлланмалар билан таъминланган. 2018 йилда ҳудуддаги 3 минг 211 фермер, деҳқон ва уй-жой мулкдорларига марказ томонидан маслаҳат хизматлари кўрсатилди.

Шунингдек, Кегейли агросаноат касб-ҳунар коллежи қошида ташкил этилган иссиқхона хўжалигининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Делегация аъзолари Тахтакўпир туманидаги "Давқара" ва "Атакўл" қишлоқ фуқаролар йиғинлари аҳолисига тоза ичимлик суви етказиб берувчи пункт ишга туширилиши муносабати билан уюштирилган тадбирда ҳам иштирок этди. Шундан сўнг меҳмонлар "Айдин жол" овул фуқаролар йиғинидаги "Ткачиха-Тахта" тикув цехи фаолияти билан танишди.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили вазифасини бажарувчи Леван Буадзе Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида Мўйноқ ва Шуманай туманларида ҳам бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган қатор лойиҳаларга юксак баҳо берди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ
(«Халқ сўзи»).

МАМЛАКАТИМИЗ ТАШАББУСЛАРИ — ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЭЪТИРОФИДА

1

Таъкидлаш жоизки, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалар инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароитларни яратиб беришга қаратилган бўлиб, унинг мазмун-моҳияти БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига тўла ҳамоҳангдир.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида (2017 йил сентябрь) жаҳон ҳамжамияти эътиборини халқаро аҳамиятга эга бўлган бир қатор долзарб масалаларга қаратди. Халқаро терроризм, диний экстремизм, диний бағрикенглик, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, Марказий Осиёда яхши қўшничилик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва конструктив ҳамкорлик муҳитини барпо этиш шулар жумласидандир. Айниқса, давлатимиз раҳбари ёшлар масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини, Маърифат ва диний бағрикенглик бўйича алоҳида ҳужжатини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди. Бу таклифларнинг барчаси халқаро жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Бундан ташқари, Юртбошимизнинг қўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ҳамда Ўзбекистон ҳеч қандай блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолган ҳолда, очиқ мулоқотга тайёр эканлиги борасида билдирган қатъий позицияси ҳам халқаро жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди. Эътиборлиси, бу ташаббус асосида 2018 йилнинг 26-27 март кунлари пойтахтимизда БМТ шафелигида "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуида Афғонистон бўйича юқори даражадаги конференция ташкил этилди. Унинг якунлари бўйича "Тошкент декларацияси" деб номланган тарихий ҳужжат қабул қилинди. У бугунги кунда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, унинг барқарор ривожланиши учун шароит яратиш, афғон халқининг фаровонлигини ошириш ҳамда унинг минтақа ва бутун дунёдаги ижобий жараёнларга жалб қилинишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Афғонистон бўйича ўтказилган Тошкент конференцияси Декларацияси 2018 йил апрелда БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессияси ва Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тасдиқланди. Бундан ташқари, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси тўғрисидаги маълумотлар 2018 йил сентябрда БМТ Бош котибининг "Афғонистондаги ҳолат ҳамда унинг халқаро тинчлик ва хавфсизлик учун оқибатлари" деб номланган маърузасида ҳам алоҳида эътироф этилди.

Ўтган йилнинг 20 июнида БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси қабул қилинди.

Айнан Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган мазкур резолюцияда, энг аввало, Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда минтақадаги давлатлар роли эътироф этилгани ҳолда, уларнинг хавфсизлик ва тараққиёт борасидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлангани айни муддаодир.

Мазкур резолюцияда Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, сув ва энергия манбаларидан унумли ва комплекс фойдаланиш, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик ва ижтимоий-иқтисодий асоратни юмшатиш, минтақада замонавий транспорт ва транзит тизимини ташкил этиш, маърифат, фан, технология, инновация, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштириш йўналишларида икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги ҳам қайд этилган.

Ўтган йил 27 ноябрда Нью-Йоркда БМТ томонидан Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондини ташкил қилиш бўйича ўтказилган тақдимот маросими Ўзбекистон амалга ошираётган саъй-ҳаракатларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Бу маросимда БМТ Бош котиби А. Гутерриш, БМТнинг махсус муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, йирик компания ва банк-молия институтлари, халқаро ноҳукумат экологик бирлашмалар ва илмий-ўқув доиралари вакиллари иштирок этди. Унда БМТ раҳбари Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондини ташкил қилиш бўйича ташаббусини алоҳида эътироф этиб, мамлакатимиз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини яна бир бор таъкидлади.

Шунингдек, 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси ялпи сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. 2017 йили давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббус асосида ишлаб чиқилган бу резолюцияни Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 50 дан ортиқ мамлакатлар қўллаб-қувватлаб, унинг ҳаммуаллифи бўлди.

Бугун мамлакатимизнинг нафақат БМТ, балки унинг таркибига кирувчи бир қатор ихтисослаштирилган муассасалар билан ҳам ўзаро самарали ҳамкорлиги тобора чуқурлашиб бораётганини кузатиш мумкин. Чунончи, ЮНИСЕФ ҳамкорлигида болалар саломатлигини асраш, улар орасида турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, эмлаш, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

ЮНЕСКО билан ҳам изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган. Чунончи, бир қатор қадимий шаҳарларимиз ва буюк аждодларимиз юбилей тадбирлари ушбу халқаро ташкилот шафелигида кенг нишонланмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимиз БМТ билан узвий ҳамкорлик қилиб, дунёда ва минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистон бундан кейин ҳам мазкур ташкилот ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари билан изчил ҳамкорликни давом эттиради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтиришга, юртимиз тинчлигини мустаҳкамлашга ва барқарор тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Қодир ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2019 йил 2 март

Таассурот

МЎЙНОҚҚА ҲАЁТ ҚАЙТМОҚДА

Одамлар орасида энг кўп муҳокама қилинаётган мавзулар, уларни қизиқтираётган саволлар шундай:

— Шунча йил унутилаёзган Мўйноқ нега бугун эътибор марказида?

— У ерда нималар бўляпти?

— Саксовуллар нима учун экиляпти?

— Ер тубидан чиқа бошлаган сув Оролни тўлдира оладими?

Мўйноқ. Бу туман ҳақида жуда кўп эшитганмиз, билвосита танишганмиз ҳам. Аммо ўйлаб қарасам, ўтган 45 йил давомида ҳеч қачон Оролга бормаган эканман. Менга ушбу денгизнинг қанақалиги, қаердан бошланиши, муаммолари, аввалги ва бугунги ҳолати жуда қизиқ эди.

Очиғи, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Мўйноқда жуда катта амалий тадбирларга киришилган ва улар ўз натижаларини бера бошлади.

“Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал”, деганларидек, ҳудудда олиб борилаётган ишларни ўз кўзимиз билан кўриш, одамларнинг кайфиятини билиш, улар билан суҳбатлашиш мақсадида яқинда Мўйноққа сафар уюштирдик.

Таассуротларим бир олам. Йўлда кетаётиб, бир нарсадан жуда таъсирландим. Баланд асфальт йўлнинг икки чети адирлик ва бўшлиқ, ўтлар жуда оз, сарғайиб кетган. Ҳамроҳимдан бу ерда илгари нима бўлганини сўрадим. Шунда билдимки, бир пайтлар сувга тўлиб-тошган Орол ҳозир шундай ҳолга тушиб қолган экан. Аслида Мўйноқ, бу — Орол денгизининг марказида жойлашган бўлиб, Орол денгизидаги “оролча” деб ҳам юритилади.

Сафардаги ўша манзараларни кўриб, кўз олдимда фожиалар кўлами гавдаланди: Орол шу жойдан 20 — 100 километр нарига чекинган, бугун унга сув келмаяпти. Миллион-миллион гектар ер майдони сувсиз, ташландиқ. Ер шўр, текислик ва қумлик бўлгани учун ҳам бу ерда бирорта ўсимлик ўсмайди, қисқаси, ҳаёт мавжуд эмас. Қушлар ҳам маълум бир масофада тўхтаб, сув ичиб озиқланиши керак. Аммо бугунги кунда жами 5,5 миллион гектар жойда ичимлик суви йўқ.

Хўш, Орол денгизининг қуриб кетиши ва бу билан Мўйноқ ҳамда бошқа ҳудудлар бугунгидек оғир аҳволга келиб қолишига сабаб нима? Бу қайси омиллар билан боғлиқ?

Сафар давомида ана шу саволларга жавоб топгандек бўлдик. Маълум қилинишича, собиқ шўро даврида инсоният ўз нафси, манфаати йўлида, узоқни ўйламасдан, дарёлар сувидан самарасиз фойдаланган. Оқибатда дунёда 4-ўринда турувчи Орол қурий бошлаган. Ўша пайтдаги пахта сиёсати на аҳоли соғлиғини ва на ундан келиб чиқадиган экологик оқибатини инобатга олди.

Иккинчи жиҳати, биз йиллар давомида ҳудудда юзага келган муаммоларга кўникиб яшадик. Уни ўнглаш ҳақида қайғурмадик. Қарангки, бугун мутлақо янги давр бошланди. Яъни ўша вақтларда бошқа авлод қилган хатони ҳозирги авлод тўғрилаяпти. Тушунганларимнинг энг аввали шу бўлдики, айни пайтда Президентимиз ва минглаб фидойи ватандошларимизнинг юраги Мўйноқда уряпти.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, денгизни аввалги ҳолатига қайтаролмаймиз, лекин чекинмаймиз ҳам. Булар нимада намоён бўлаётгани ҳақида икки оғиз мулоҳаза. Аввало, Оролқумга ҳаётни қайтариш учун дарахтлар экиш ва уларни кўпайтириш керак. Бунинг учун саксовуллар экишга киришилди. Саксовул оддий иқлим шароитидаги тупроққа экилса, ўсмайди. Унинг уруғи қумли жойга тушадиган бўлсагина, ривожланади. Саксовул жуда “ақлли” ўсимлик, пастга ва ён тарафга илдиз отиб, 14 метр чуқурликкача, ён томонга эса 2-3 метргача етиб боради. Шу боис ҳам битта саксовул 10 тоннадан 100 тоннагача тупроқни ушлаб туролади. У ривожланса, 10 — 12 йилда тепага қараб 16 метргача ўсади. Бунинг ҳам фойдаси катта. Эътибор беринг, битта саксовул ўсимлиги 1 тонна кислород беради.

Энди тасаввур қилинг. Миллионлаб гектар ерга саксовуллар экиладиган бўлса, у ерда кислород пайдо бўлади, қушлар учиб келади. Бу дарахтнинг яна бир яхши хусусияти борки, об-ҳаво жуда иссиқ бўлганида у уйқуга киради. Ёмғир ёға бошлагач, яна ривожланишда давом этади.

Кейинги масала шундаки, Мўйноқдаги ҳаётни қайтариш учун саксовулнинг ўзи етарли эмас. Сув ҳам керак. Айни пайтда Оролнинг қуриган сатҳида 50 та “сквважин”, яъни қудуқлар ўрнатилмоқда. Бу эса ўша атрофларда суғориш қўллар пайдо бўлади, дегани. Умуман, яшаш учун бирламчи неъмат — H_2O (сув) ва O_2 (кислород)нинг пайдо бўлиши Оролга, ўз навбатида, Мўйноққа қайта ҳаёт бағишлайди.

Минтақадаги мавжуд вазиятни янада яхшилашга қаратилган эзгу ташаббуслардан бири — Траст фондининг ташкил этилиши билан боғлиқ. Мазкур фонд экологик инқироз оқибатларини юмшатишда ғоятда муҳим. Бугунги кунда фонд ҳисоб рақамига катта-катта маблағлар келиб тушяпти. Албатта, бу бежиз эмас. Чунки Оролбўйидаги муаммолар фақатгина Ўзбекистон учун эмас, балки дунё давлатлари учун ҳам долзарбдир. Фонд мавжуд муаммоларга қарши биргаликда курашиш, Оролбўйи ҳудудига экологик инновация ва технологияларни татбиқ қилиш имконини беради.

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда жуда кўп муҳокамаларга сабаб бўлаётган масала — Мўйноқ туманида казино ташкил этилишига доир. Казино, ҳақиқатан ҳам, ташкил этиладими йўқми? Бу Мўйноққа нима беради?

Гап шундаки, бу бўйича инвесторлар томонидан таклифлар берилган. Амалдаги қонунчилик бўйича казино очиш мумкин эмас. Ҳозирги кунда ушбу таклиф ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўрганиляпти. Айрим фуқаролар бошқа давлатларда, чегара мамлакатларда казиноларга ўйнаб, катта маблағларни сарфлаб келади. Кейин казино дегани, бу — айш-ишрат, маишат дегани ҳам эмас. Аксинча, у кишида зукколик, топқирликни ривожлантирадиган хусусиятга эга.

Мўйноқда казино ташкил этиладиган бўлса, маҳаллий ва хорижлик йирик бизнесменлар ўша ҳудудга маблағ олиб келади. Бу эса туманнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшади. Қолаверса, жорий йилда туманда яна кўплаб лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган. Шундан 12 таси саноат соҳаси, 5 таси қишлоқ хўжалиги, 14 таси хизмат кўрсатиш жабҳалари ҳиссасига тўғри келади. 70 га яқин кўп қаватли уйлар қурилади. Шу йилда 24 тасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Айни пайтда уларнинг 7 тасида қурилиш ишлари олиб бориляпти. Буларнинг барчаси туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда айни муддаодир.

Барчамизни қувонтирган яна бир мўъжиза ҳақида тўхталмоқчиман. Мўйноқдан 200 километр, Нукусдан 400 километр олисда, Шағала, деб номланувчи ҳудуддан 260 — 280 метр чуқурликдан — Орол денгизининг қуриган майдонидан чучук сув топилди. Ушбу обиҳаёт сарфи секундига 7 литрни ташкил қиляпти. Бу ҳам Мўйноқда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга асос бўлади. Қушлар, ёввойи ҳайвонлар келади. Биохилмахиллик таъминланади. Пайдо бўлган намлик эса тузнинг ҳавога кўтарилишига ғов бўлади.

Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган ерлардаги бугунги туб ўзгаришлардан ҳудуд аҳли жуда миннатдор. Уларнинг кайфияти аввалгидек тушкун эмас, аксинча, бардам ва жўшқин... Улар билан суҳбатлашсангиз, эртанги кунга бўлган ишончини юз-кўзидан, гапсўзларидан дарров англаб оласиз. Нимагаки, давлатимиз раҳбари бошчилигида кенг жамоатчилик эътибори шу ҳудуд аҳолиси турмуш фаровонлигини оширишга қаратилди, фуқаролар бунинг натижасини эртага эмас, бугун сезишяпти. Ислоҳотларни кўзлари билан кўриб, ўзлари ҳам баҳоли қудрат иштирок этишга ошиқмоқда.

Амалга оширилаётган ва яқин келажакда рўёбга чиқариладиган лойиҳалар муддаосини лўнда ифодалайдиган бўлсак, Мўйноққа қайноқ ҳаёт қайтмоқда, янги Мўйноқ пайдо бўляпти, мўйноқликлар учун янги тарих бошланяпти.

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ,
Халқаро пресс-клуб раиси.

ФАН ВА ТАЪЛИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Президент мактабларига қабул Кембриж университети Имтиҳон кенгаши томонидан ўтказилади

Халқ таълими вазирлиги ҳамда Кембриж университетининг “Cambridge Assessment International Education” бренди остида фаолият юритувчи Имтиҳон кенгаши ўртасида англашув меморандуми имзоланди. Бу ҳақда вазирлик ахборот хизмати хабар берди.

Келишувдан кўзланган мақсад Президент мактабларига иқтидорли ўқувчиларни қабул қилиш жараёнини адолатли, ишончли ва шаффоф ўтказишни ташкил этишдир. Шунингдек, “Cambridge Assessment International Education” Президент мактабларида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини очишга ёрдам берувчи ўқув дастурларини жорий этиш, ўқитувчиларнинг малакасини халқаро меъёрларга мувофиқ оширишга ҳам кўмаклашади.

2019 йил ҳолатига кўра, Кембриж университети Буюк Британиянинг энг атоқли университети ҳисобланади. Ушбу олий таълим даргоҳи бутун дунё университетлари рейтингида иккинчи ўринни эгаллайди.

1858 йилда университетда Имтиҳон кенгаши (University of Cambridge Local Examinations Syndicate) ташкил этилди. Бугунги кунда мазкур Кенгаш “Cambridge Assessment” бренди номи билан танилган. Айни пайтда у баҳолаш ва тест натижалари бўйича жаҳондаги йирик агентлик ҳисобланади. Шунингдек, дунё миқёсида баҳолаш ва тест жараёнларини ривожлантиришда етакчилик қилади.

Имтиҳон кенгаши (UCLES) Кембриж университетининг нотижорат кафедраси ҳисобланиб, дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатларидаги 10 мингта мактабга 8 миллиондан зиёд ўқувчилар билимини баҳолашда ёрдам беради.

Айтиш жоизки, 2019 йилнинг 20 февралида давлатимиз раҳбарининг “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, Президент мактаблари мамлакатимизнинг барча ҳудудида босқичма-босқич ташкил этилади. Биринчи учта мактаб жорий йилда Нукус, Тошкент ва Хивада очилиши белгиланган.

Президент мактабларига кириш имтиҳонлари ёзма, оғзаки ҳамда мантиқий тафаккур натижаларига асосан амалга оширилади.

Д. ЙЎЛДОШЕВ.

Хушхабар

Юртимизда етиштирилган анорлар Франциядаги энг йирик — “Rungis” бозори растларида пайдо бўлди. Бу ҳақда “Дунё” ахборот агентлиги хабар берди.

ЎЗБЕКИСТОН АНОРЛАРИ — ФРАНЦИЯ БОЗОРЛАРИДА

“Commercial Fruits” компанияси ўзбек анорларининг илк туркуми импортчисига айланди. Унинг директори Габриэль Бруно сўзларига кўра, компания 25 йил давомида Перу ва АҚШдан анор харид қилган, энди эса Ўзбекистон бозорига йўл очиқ. Маҳсулотларнинг узоқ масофадан ўз вақтида ва сифатли етказиб берилиши эса буюртмачиларга манзур бўлмоқда.

“Paris Royal” дўконлар тармоғи эгаси Виссем Гоужанинг эътироф этишича, Ўзбекистондан келтирилган бундай табиий неъматларга нисбатан талаб ортиб боряпти. Европага маҳсулотлар импорти билан шуғулланувчи “Theodora Group” компанияси бош директори Дилдора Отажонова эса француз бозорининг асосий ажралиб турадиган жиҳати, бу — қадоқлаш, деб ҳисоблайди. Яъни ҳар бир қути турли вазнда бўлиши керак ва меваларни ўрашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш жоиз.

Маълумот ўрнида келтириш ўринлики, “Rungis” — фаранглар юртидаги энг йирик озиқ-овқат ва логистика маркази ҳисобланади. Унинг майдони 234 гектарга тенг бўлиб, бу ерда кунига 16 миллион тонна сархил мевалар, сабзавотлар, гўшт, балиқ, сут маҳсулотлари каби ноз-неъматлар сотилади.

С. МАХСУМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ВАФО ВА САДОҚАТ КУЙЧИСИ

Ўзбекистон халқ шоири, таниқли жамоат арбоби Зулфия Исроилова хотирасини абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар мамлакатимизда нафақат ижод аҳлига эътибор ва ғамхўрлик ифодаси, балки аёл зотига юксак ҳурмат-эҳтиром намунасидир.

Эҳтиром

Анъанага кўра, бу йил ҳам 1 март куни пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонига турли вазирлик ва идоралар, хотин-қизлар қўмиталари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиёт мухлислари, талаба-ёшлар жам бўлди.

Зулфия таваллуди муносабати билан ўтказилган тадбирда шоира дилбар шеърияти, ватанпарварлиги, вафо ва садоқатга йўғрилган умри билан юртдошларимиз қалбида қадрли сиймога айлангани таъкидланди.

Дарҳақиқат, умр йўлдоши Ҳамид Олимжондан бевақт айрилган, бироқ қалби чақмоқ теккан осмон юзидай куйган бўлса-да, имон-эътиқодини бутун, ор-номуси, ойласи шаънини юксак тутган Зулфия ўзбек аёлининг метин иродаси, матонати тимсолидир. Тақдиридан нолимай, суюкли ёри хотираси учун, фарзандлари, эл-юрти бахти учун курашган, фақат ва фақат эзгуликни куйлаганидан ўзи ҳам меҳр дарёсидан қониб яшаган шоирадан ҳар қанча ўрнак олсак, арзийди.

Зулфия ишқ, висол, ҳижрон, соғинч ҳисларини ҳам латиф бўёқларда тасвирлаган. Ундаги туйғулар силсиласида, нозик ўхшатишларда ўзбекона ҳаё, аёлларга хос андиша уфуриб туради:

Мана қимматлигим, яна баҳор келиб,
Сени излаб юрди, кезди сарсари.
Қишнинг ёқасидан тутиб сўради сени,
Ул ҳам ёш тўкди-ю, чекинди нари.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Шоира “Баҳор келди сени сўроқлаб” дер экан, ёрига бўлган соғинч ҳисларини, ҳижрон изтиробларини табиат ҳодисаларига уйғун тасвирлайди: шаббода бўлиб ўз қимматлиги — суйган инсонини излаб, сарсари кезади, эриётган қор мисол кўзёшларида оқади...

Зулфиянинг Ватанга ва инсонга муҳаббат, вафо ва садоқат, олижаноб фазилатларни юксак тараннум этган мукаммал бадиий асарлари ҳар бир ўзбек хонадонига кириб борган, десак янглишмаймиз.

Тадбирда ардоқли шоира шеърларидан намуналар ўқилди. Унинг сўзлари билан куйланувчи қўшиқлар ижро этилди. Зулфияхоним ҳайкали пойи гулларга бурканди.

* * *

Шу куни Адиблар хиёбонида Ўзбекистон Қаҳрамони, моҳир мунаққид, адабиётшунос олим, устоз адиб Озод Шарафиддинов таваллуд куни муносабати билан ҳам тадбир бўлиб ўтди.

Унда миллий адабиётимиз фидойисининг меҳнатлари, ижод йўли, асарларининг аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди. Сўлим хиёбондаги устоз адиб ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Италия университети билан қўшма таълим лойиҳалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби Милан техника университети қошидаги Олий бизнес мактаби билан ҳамкорликда таълим дастурларини амалга оширади.

Бундай келишувга 2019 йил 22 — 27 февраль кунлари Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби директори Рустам Абдураупов Италияга сафари доирасида Милан техника университети қошидаги Бизнес олий мактаби президенти Андреа Сианесси билан ўтказган учрашуви давомида эришилди.

Профессор А. Сианесси ўтган йил ноябрь ойида Тошкентга ташриф буюриб, Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби фаолияти билан танишган эди ва икки таълим муассасаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича вазифалар белгилаб олинган эди.

Италияда томонлар истиқболли соҳалар ва ўзаро ҳамкорлик механизмларини, жумладан, биргаликдаги таълим дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, қўшма конференциялар, форумлар, семинарлар ва бошқа илмий ҳамда маърифий тадбирлар ташкил этиш ҳамда ўтказиш каби масалаларни муҳокама қилдилар.

Якунда “Икки диплом” модели, қисқа муддатли курслар доирасида магистрлик дастури амалга оширилиши режалаштирилган “Лойиҳа менежменти” соҳасидаги қўшма таълим дастурлари бўйича келишувларга эришилди.

Таълим дастурлари ва режалари халқаро стандартлар ва энг яхши чет эл амалиётлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар икки томон вакиллари иштирокида ишлаб чиқилади. Таълим жараёнида италиялик ўқитувчилар кенг жалб қилинган ҳолда, Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби ҳамда Милан техника университети қошидаги Олий бизнес мактаби базасида олиб борилади.

Фазлиддин АБИЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ДЎМБИРАНИНГ ЖЎШҚИН САДОСИ

Бахшилар Ватанни, юртимизнинг бетакрор табиатини, баҳор ва Наврўзни жўшиб куйлади, халқ достонларига, термаларига ўз орзу-умидларини, ниятларини қўшиб куйлади...

Танлов

Қибрай туманидаги “Дўрмон” маданият саройида ўтказилган ушбу танлов Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, келаётган Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан ташкил этилди. Унда 11 фольклор-этнографик жамоа, 14 нафар бахши, оқин ва жиров қатнашди.

Ҳакамлар ҳайъати баҳосига кўра, паркентлик бахши Муроджон Алиева, Юқори чирчиқлик оқин Талгат Ўринбековга, “Паркент чашмаси”, “Тўрғай”, “Қурама” фольклор-этнографик жамоаларига шу йил апрель ойида Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро бахшичилик фестивалига йўлланма берилди.

Танловда иштирок этганлар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ
(«Халқ сўзи»).

ҚЎҚОН — БУТУНЖАҲОН ҲУНАРМАНДЛАР ФЕСТИВАЛИ МЕЗБОНИ

Бутунжаҳон ҳунармандлар фестивалининг ҳар икки йилда бир марта Қўқон шаҳрида ўтказилиши миллий ҳунармандлик ва туризмни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Тараддуд

Фестиваль кунлари тарихий зиёратгоҳлар бўйлаб уюштириладиган саёҳатлар, ҳунармандчилик ва миллий либослар кўргазмалари, бадиий ва ҳужжатли фильмлар томошалари, китоблар, альбом ҳамда фотосуратлар савдолари, аския ва қизиқчилар, фольклор ҳамда дорбозлик жамоалари, полвонлар чиқишлари халқимизнинг асрлар мобайнида сайқалланиб келаётган қадриятларни бутун дунёга тараннум этади.

Айни кунларда Қўқон шаҳрида халқаро тадбирга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Кўҳна кентда Худоёрхон ўрдаси, Жоме масжиди, Норбўтабий ва Соҳибзода Ҳазрат мадрасалари, Модарихон дахмаси ҳамда Дахмаи шоҳон каби 62 та маданий мерос объекти мавжуд. Фестивалга ҳозирлик жараёнида ҳар бир маданий мерос объекти бўйича турли тилларда буклетлар тайёрлаш, ташриф буюрувчиларга юқори даражада хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Шаҳарда шу йилнинг август ойига қадар 10 та янги меҳмонхона фойдаланишга топширилади, 5 таси эса капитал реконструкциядан чиқариляпти.

Фестивалнинг “юраги”ни ташкил қилувчи Худоёрхон ўрдасида мукаммал таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

— Халқаро фестивалда қатнашиш учун 2018 йил якунигача 66 мамлакатдан 111 нуфузли ташкилот рўйхатга олинди, — дейди “Ҳунарманд” уюшмаси Қўқон шаҳар бўлими раиси, ишчи гуруҳи аъзоси Мухторали Азимов. — Мазкур халқаро тадбир бош логотипини танлашда 150 дан ортиқ вариантлар таклиф этилмоқда. Интернетда махсус сайт очиш ва унинг дизайни устида ишлар олиб бориляпти. Кўзда тутилган қурилиш ва ободонлаштириш юмушлари уч сменада ташкил этилган.

Фестивалда Қўқон ҳунармандлари ўз маҳсулотлари кўргазмаси билан қатнашади. Улар орасида халқ амалий санъати ва ёғоч ўймакорлиги устаси Отабек Умаров ҳам бор. Таниқли ҳунарманд Қодиржон Ҳайдаровнинг эвараси бўлган Отабек ҳозирдан тайёргарлик ишларини бошлаб юборган. Жумладан, у фестиваль ўтадиган ўрданинг олд мажмуасига барпо этиш режалаштирилган рамзий кириш дарвозалари учун нақшинкор устунлар ҳозирламоқда.

— Кириш дарвозалари ташриф буюрувчиларга шаҳримиз ҳунармандчилиги ҳақида дастлабки таассуротни беради, — дейди О. Умаров. — Отам Мирзаюнус Умаров, оға-иниларим Жаҳонгир ва Жамшид билан бирга баландлиги 3,5 метр бўлган иккита нақшинкор устун тайёрлаб қўйдик. Ёғоч ўймакорлигининг бундай намуналарини яна кўпайтирамиз.

Халқаро фестивалда Риштон туманидан ҳам жами 100 нафар кулол ўз ишлари билан қатнашиши белгиланган. Ҳозирги кунда усталар ушбу нуфузли тадбирга катта тайёргарлик кўрмоқда.

“Ҳунарманд” уюшмаси Риштон тумани бўлими раиси Бунёджон Юнусовнинг қайд этишича, фестиваль доирасида “Риштон мовий афсонаси” кўргазмаси очилади. Унда нодир кулолликнинг 800 хилдан ортиқ асарлари намойиш қилиниши билан бирга, усталар оддий тупроқ санъати намуналарини яратиш жараёнини ўз ичига олган маҳорат дарсларини ҳам ташкил этади. Шу йилнинг 1 — 3 июнь кунлари бўлиб ўтадиган “Риштон сеҳри” халқаро кулоллар ва кулоллик маҳсулотлари фестивалини ҳам халқаро ҳунармандлик фестивалига тайёргарлик жараёнларининг узвий давоми, дейиш мумкин.

Элёржон ЭҲСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 68 924 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Навбатчи — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6